

## БОЛАЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН МАТНЛАРНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Юлдашева Дилафруз Махамадалиевна,  
Кўкон университети профессори,  
филология фанлари доктори (DSc)  
[yuldilaf@mail.ru](mailto:yuldilaf@mail.ru)

### MAQOLA HAQIDA

Qabul qilindi: 24-mart 2024-yil

Tasdiqlandi: 26-mart 2024-yil

Jurnal soni: 10

Maqola gaqamı: 37

DOI: <https://doi.org/10.54613/ku.v10i10.931>

KALIT SO'ZLAR/ Ключевые слова/  
keywords

матн,  
антропоцентризм,  
лингвомаданият,  
лисоний кобилият,  
омил.

### ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада матн маълум бир давр маҳсули, муайян воқеликни тил воситаларида акс этириувчи лисоний кобилият маҳсули эканлиги, бола ўзига тушунарли матн орқали онгидга оламнинг антрапоцентрик тартибига солинган олам манзарасини яратиши таъкидланган. Шунингдек, матннинг когнитив ва лингвомаданий жиҳатдан аҳамияти шакл ва мазмун бирлиги, умумийлик ва хусусийлик ўйгунилиги тамойилида акс этиши, болалар учун яратилган матнларда болаларга хос ички кечинмаларни тасвирилаш натижасида воқелик вужудга келиши мисоллар орқали далилланган.

**Кириш.** Ўзбек тилшуносларининг лингвистик семантика, прагматика, когнитив тилшуносликка оид тадқиқотлари, матннинг лингвопоэтик, прагматик, деривацион, коммуникатив хусусиятларига бағишланган муайян ишлар ўзида антрапоцентрик йўналиши акс этирган бўлиб,bu масала ўзбек болалар фольклори, яъни оғзаки ижоди ҳамда ёзма бадий матни мисолида антрапоцентрик жиҳатдан тадқиқ этишигэ эхтиёж пайдо бўлди. Сир эмаски, дунё тилшунослигига матнни антрапоцентрик ёндашув асосида ўрганиш, муайян коммуникатив вазиятларга миллий-маданий омилларнинг таъсири ҳамда тилни универсал-объектив, субъектив-миллий аспекттда унинг соҳиби билан бирга ўрганиш ва ўргатиш масаласи тобора долзарб аҳамиятига эга бўлмоқда. Бу эса асримиз бошлариданок лингвокультурология, прагматик, социолингвистика, когнитив ва психолингвистик тамойилларнинг тараккётига ва истикборлига замон ҳозирлади. Матн ва нутка эса шунчаки, синтактик-семантик жиҳатдан бириккан нисбий мустакил гаплар кетма-кетлигигина эмас, балки муайян вазиятда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вербал мулокот усули, сўзлашувчиларнинг дунёкараши, ижтимоий мавкеи, тафаккури, миллий ўзига хослигини ифодаловчи ментал курилма сифатида қарала бошланди. Номинатив-прагматик парадигма саналган антрапоцентрик парадигманинг ривожланиши шахсни, маълум вазиятда сўзловчи ва тингловчи ҳолати ва хусусиятини ўрганиш, билиш билан боғлиқидир.

Дунё тилшунослигига антрапоцентрик ёндашув оламнинг миллий-лисоний манзараси билан маънодошлиқ касб этади. Рус тилшуноси В.А.Маслованинг назариясига кўра антрапоцентрик парадигма когнитив лингвистика, лингвокультурология, этнолингвистика, психолингвистикани камраб олувчи очик парадигма, деб хисобланади. Антрапоцентризмнинг кўринишлари В.Гумбольдт ҳамда Л.Вайгербернинг тадқиқотларида ҳам келтирилган. Тилшуносликда лингвистик белгининг умумсемиологик табиатини ёритиш жараённада ҳамда семантика, когнитив тилшунослик, психолингвистика, прагматик тилшунослик, лингвокультурологияга оид тадқиқотларда антрапоцентрик ёндашув масаласига эътибор қаратилган. Антрапоцентрик парадигма асосида яратилган ишларда тил тизими шахс омили билан боғлиқлик тадқиқ этилган.

Ҳар кандай матн маълум бир давр маҳсули, муайян воқеликни тил воситаларида акс этириувчи лисоний кобилият маҳсулидир. Бола ўзига тушунарли матн орқали онгидга оламнинг антрапоцентрик тартибига солинган олам манзарасини яратади. Хусусан, матннинг когнитив ва лингвомаданий жиҳатдан аҳамияти шакл ва мазмун бирлиги, умумийлик ва хусусийлик ўйгунилиги тамойилида акс этади. Болалар учун яратилган матнларда

болаларга хос ички кечинмаларни тасвирилаш натижасида воқелик вужудга келади. Бунда муаллиф турли сатҳ бирликларидан айнан болаларга хосларини танлаб, матн тузилади.

**Адабиётлар таҳлили.** Р.Х.Давлатова матнларда кишиларга кўйилган айрим лақаб, таҳаллусни ифодаловчи атоқли отлар ҳам шахсга, ҳам унинг муайян белгисига ишора килганда уларнинг дейжик доирасининг кенгайишини таъкидлайди<sup>1</sup>. Бу ҳолат айниқса, болаларга хос эгоцентрик хусусиятли матнларда яққол намоён бўлади. М.Курбонова болалар нутқида мавжуд бўлган тақорорлар коннотатив маъно ифодалашини таъкидлаган<sup>2</sup>. Жўмладан: “Лексик бирликлар тақорори коннотатив маънони хосил килувчи прагматик восита сифатида, айниқса, болалар нутқида кўп кузатилади. Болалар нутқида лексик бирликлар тақорорининг турли кўринишлари акс этади. Кўпинча тақорор ёрдамида таъкидни кучайтириши асосида нутқнинг таъсиричанилиги таъминланади,” деб болалар нутқида тақорорнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр коритади<sup>3</sup>.

А.К.Фролов болалар учун яратилган матнлар болаларга хос рефлексиянинг вужудга келтиришини таъкидлайди<sup>4</sup>. У болалар учун яратилган бадий прозаик матнларни лингвистик аспектда таҳлил қилиб, асар сюжети ва мазмуни болаларга хос рефлексияни хосил қилишини мисоллар билан изоҳлайди. Танқидий фикрлаш тарзida баҳоланадиган рефлексия атамаси педагог-психологлар томонидан “Инсон ён-атрофидаги одамларга караб, гӯёни, ойнада ўзини кўргандай тасавур килиши, психологида рефлексия” сифатида изоҳланади. М.Йўлдошев<sup>5</sup> таснифига кўра, болаларга хос матнларни ҳажм белгиси, ифода мақсади ва мазмун-моҳиятига караб, турли типларга ажратиш мумкин. Олим матнларни ҳажм нуқтаи назаридан таснифлар экан, уларни минимал матн ва максимал матнларга ажратади. Матн услуб жиҳатидан илмий, бадий ҳамда расмий, оммабоп кабиларга бўлинса, мазмун ифодаси, мақсадига кўра қўйидагиларга ажратилади:

1. Ҳикоя мазмунли матнлар (Le texte narrative – нарратив).
2. Тасвирий матн (Le texte descriptive – дескриптив).
3. Изоҳ мазмунли матн (Le texte argumentatif – аргументли).
4. Дидактический текст (Le texte explicatif – экспликатив).
5. Ҳабар мазмунли матнлар (Le texte informatif – информатив).
6. Буйрук мазмунли матнлар (Le texte injonctif – инжонктив).
7. Ҳиссий ифода мазмунли тур (Le texte expressif – экспрессив)га бўлинади.

### Тадқиқот методологияси.

Мавзуни тадқиқ этишда таснифлаш, тавсифлаш, компонент таҳлил, дифференциал-семантик, қиёслаш ва диструбутив таҳлил

<sup>1</sup> Давлатова Р.Х. Ўзбек тилининг дейжик бирликлари: филол.фан. д-ри (DSc) ... дис. автореф. – Тошкент, 2020. – Б.18.

<sup>2</sup> Курбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагмалингвистик аспекти. – Тошкент.2018. – Б.121

<sup>3</sup> Курбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагмалингвистик аспекти. – Тошкент.2018. – Б.121

<sup>4</sup> Фролов А.К. Языковая специфика текстов художественной прозы для детей: автореф.дис. ...канд.филол. наук. – Тверь, 2003. – С.11.

<sup>5</sup> Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент : Фан, 2007. – Б.12.

усулларидан фойдаланилди. Тадқикот методологияси антропоцентрик ёндашув асосида муммонинг аниқ кўйилганлиги, илмий маълумотларнинг нашр этилган манбалардан олингандиги, мисоллар билан далилланган хуросаларни амалиётга татбиқ этиш мумкинлиги, мисол учун танланган матнлар ўзбек тили табиатидан келиб чиқкан ҳолда танланганлиги билан изоҳланади.

### Тадқикот натижалари.

Матнни тушуниш кўрсаткичлари интравистик (ички) ва экстравистик (ташки) омилларга боғлиқ. А.Обиджоннинг “Жаққи” хикоясида шевага хос эна, буришта ва жасаки сўзларидан воқеа-ходиса водий кишлокларининг бирда, муаллифнинг тугилган жойи – Олтиарида рўй берётганини сезиши мумкин. Масалан: Энасининг яна бир галати гапини илиб олган Ўгилой: “Ий! “Буришта” дегани нима?” – деб кампирга баттардан сүйканади.

– *Буришта дегани – доим, ҳадеб дегани-да, – чой ҳўплаётшиб тушиштириди энаси. – Шуниям билмайсанми, жасаки? – Ий! “Жаққи” нима? – деб тағин гапни кавлайди Ўгилой. Энаси бурушик ќўлида неварасининг сочини тўзгитшиб эркалатади: – Сендағанги тинмай гапирадиганларни “жасаки” дейшишади. Уқдигеми?*

Мисолдаги жасаки кўп гапирадиган боланинг аудиаллигига ишора киувчи лақаб, яъни белги дейксиси бўлиб, муаллифнинг воқеликка нисбатан субъектив муносабатини ҳам акс эттиради.

*Кизалоғим отпогим, алла.  
Қора кўзим, қундузим, алла.  
Мұхтаррамхон – подио қоз.*

Болалар учун яратилган матнларнинг нарратив, дескриптив, экспликатив турларини ажратиш мумкин. Уларнинг айримларини изоҳлаб ўтамиш:

1. **Болалар оламига хос хикоя мазмунли матнларда** изчил ва яхлитловчи оҳанг, ривожланиб борувчи ифода тарзи, монологик ва диалогик нуткунинг уйғулиги ва муаллиф омилининг устуворлиги намоён бўлади. Болалар учун қайта ишланган эртаклар, ёш хусусиятларига таянилган хикоя матнларини нарратив матн типига киритиш мумкин. Масалан, ҳалқ эртакларини табдиллаши усули орқали болаларга хос куйидагича нарратив матн ҳосил қилинган:

Кунлардан бир кун Ўқтам, дараҳт тагига ўтириб: “Оллоҳ менга бир куч берса-ю, қўлнимни нимага урсам, ўша нарса тиллага айланниб қолаверса, ана ўшандо оғир меҳнатдан қутулиб, фаровон ҳаёт кечирган бўлар эдим”, – деб ҳаёл сура бошлабди. Тұсатдан унинг қулогига: –Ўқтам! Ҳозир сен тилагинга етасан! Қўлингни бирон нарсага теккизгин, дарҳол тиллага айланниб қолади, – деган овоз эшишилди. Ўқтам ўз қулоқларига ишонмабди. Шундай бўлса ҳам, бир тошга қўл теккизган экан, тош тиллага айланниб қолибди. Ўқтам ўзиди ўйқ ҳурсанд бўлиб кетибди...Тўрвачада олма бор экан. Ўқтам шоша-ниша олмани олса, у тиллага айланниб қолибди. Ўқтам қўриқб кетибди. Шу пайт у қўзларини очиб, дараҳт соясида ўтирганини кўрибди-да, хомхәёл қылганини англабди. Бунинг туши эканини билгач, елкасидан тоз ағдаригандай бўлибди.”

Мазкур типли матнларда болалар оламига хос тасвирий, изоҳ, ҳиссий ифода муштараг ҳолда кўлланилиши мумкин.

2. **Болалар оламига хос тасвирий матнлар** (Le texte descriptif). Болалар табиатин атроф-муҳитга, ҳаракатланувчи нарса-буюмлар, хайвонот ва наботот оламига қизиқувчан бўлганилиги сабабли уларнинг оламига хос дескриптив матнлар бадий адабиётда салмоли ўрин эгаллайди. Матн бирликлари ўзаро партонимик муносабатни ҳосил килиб, бутун орқали бўлак ёки аксинча, бўлак орқали бутун тасвириланади. Масалан, куйидаги мисолда воқеалар тасвирига эътибор каратилган. Чунки бола маълумотларни 83 фоиз кўриши орқали, 10 фоиз эшитиши орқали қабул қилиади, шу боис болаларга хос матнларда нарса-буюмнинг ташки кўринишлари, воқеа-ходисаларнинг тасвирига алоҳида эътибор каратилган:

Кичкинагина елим кўйирчоқ Кизилой ўйинчоқлар дўконида яшарди. Унинг жигарранг кўзлари, қизил лаблари, калта кўнгир сочлари ва чиройли кўйлаги бор эди. Кизилой бир неча ойдан бери шу дўконда эди (И.Сайидкулов “Кизилой” эртак-хикоя).

Дескриптив матнларда болалар тушунчасига мос тарзда ўхшатиш, метафора ва услубий фигурулардан фойдаланилади. Масалан, куйидаги матнда болага маълум бўлган ранг, шакл, хил-хусусиятга кўра ўхшатиш усулидан фойдаланилган: *Бир тўн бор экан. У дум-думалоқ, бир томони гул баргидай яшил, жуда чиройли экан. Унинг кўли ҳам, оёғи ҳам бўлмаган экан. Шунга қарамай, тўн тиниб-тinchимас экан.* Бола рецептиент сифатида гул ва барги шакли, рангини яхши билади, шу боис матнда гул баргидай яшил ўхшатишидан унумли фойдаланилган. Ўхшатиш ўзбек

тилшунослигига кенг ва атрофлича ўрганилган бўлиб, Н.Махмудов ва Д.Худойбергановларнинг “Ўзбек тили ўхшатишиларнинг изоҳли лугати” ҳамда Н.Махмудовнинг бир катор мақолаларида “ўзбек тилининг тамомила ўзига хос бойлиги, ҳалқ миллий-маданий тасаввуроти ва анъаналарининг бетакрор кўзгуси, бежирим ва таъсири нутқ имкониятларига куч берадиган туганмас манба, авлодлар ўртасидаги образлар ворисийларни сакловчи мухтасан восита сифатида” талқин қилинади.

### 3. **Болаларга хос изоҳ мазмунли матн** (Le texte argumentatif – аргументли матн)

Матнларда воқеа-ходисаларнинг ишонарли бўлиши, болалар дунёкарашига мос тарзда яратилиши изоҳ мазмунли матнларнинг асосий максади саналади. Фикр ва қарашларни исботглаш учун турли далил ва изоҳлар келтирилиши, асослаш, ишонтириш, ўзини оқлашга уриниш аргументли матн типининг ўзига хос жихатларидан бирни саналади.

Масалан, мазкур изоҳ мазмунли матнда аммо инкор боғловчиси фикр билан келтирилган далил ўртасида мантикий боғликлар ҳосил қилган:

Баҳор келди. Ўриклар гулга бурканди. Лекин Ҳамробой отанинг ҳовлисида бир туп ўрик гулламади. Ҳар баҳор ўрик қийғос гуллагандан отага олам-олам қувонч олиб келарди. Аммо бу ўил...

Ҳамробой ота ҳасрат билан ўрикнинг гадур-буудур танасини кўллари билан оҳиста сийсалади. Унинг кўз олдига ўғли Рустамжон келди. “Ўғлини бу ўрикни ўз кўли билан ўтқазган эди. Қарибди, ҳа қарибди” – деди ва кўзларига ёш қалқди. Отанинг ёш, навқирон ўғли Рустамжон урушда ҳалок бўлган эди. Ота шу ўрик орқали ўғини эслаб, Рустамжонни кўргандай бўлиб юради (С.Фофуров, “Магзі ширин” хикояси).

Юкоридаги мисолнинг биринчи абзацида далил, иккинчи абзацида эса изоҳ, асос келтирилган.

4. **Болаларга хос дидактикалык матнлар** (Le texte explicatif – экспликатив матн)нинг мазмуний субтекстида таълимий-тарбиявий аҳамият устуворлиги билан ажralиб туради. Болалар адабиётининг тадрижий тараққиети XX асрнинг биринчи чорагидан бошланган бўлса, жадидчилик харакати натижасида пайдо бўлган маърифатпарвар адабиёт, мумтоз адабиётнинг анъаналари, сўнг рус адиларидан таржималар дидактик характерга эга матнлар сифатида ўзбек китобхонига маълум бўлган.

Б.С.Жамилова маърифатпарвар адиларнинг савод ўргатиш даврига оид кўлланма ва дарслклари, болалар учун ёзилган дидактик ҳикояларидан “болаларга мўлжалланган маҳсус адабиёт сари жадал қадам” кўйилганинги таъкидлайди. З.Иброҳимова тадқикотида ҳам кичкунтойлар учун яратилдиган матн, аввало, дидактик матн бўлиши зарурлиги айтилади.

Экспликатив матн бирлиги бўлган дидактемалар тайёр ҳолда матндан ташқарида мавжуд бўлиб, реципиентнинг экспликатив кобилиятини ривожлантиради. Масалан, куйидаги мисолда келтирилган мақол дидактема сифатида матннинг экспликативлигини оширган:

Ёлиз бола – ялмоғиз бола, деган эканлар. Сен ҳеч ўнгланмадинг. Тириклигимда сени кўп ардоқладим, лекин ўзимга ҳам, сенга ҳам зиён қилган эканман. Энди бўлган иши бўлди, ўлар олдинан сенга айтадиган гапим шуки, кунинг келиб, ҳеч нарсанг қолмаганида, бөгга чиқиб, дараҳтларине остини көвлаб чиқасан. Йигит бунга ҳеч парво қўлмай, кайф-сафода юраверибди.

Мисолдан аён бўладики, мақол дидактема сифатида матннинг шаклланишига ёрдам берган.

Бўйрук мазмунли (инжонктив), хиссий-экспрессив матнлар болаларга хос руҳиятни ифодалаган боис ишнинг кейинги бўларди уларга алоҳида эътибор каратамиз.

Ўзбек болаларига хос бўлган матнлар услубий жиҳатдан таснифланганда Н.Махмудовнинг бошлангич синф ўқувчилари учун тайёрланган “Сўз сандиқчаси” номли ўзбек тилининг изоҳли лугатчасини илмий-оммабон матн сифатида талқин қилиш мумкин. Асарда таъкидланганидек, “Дунё лугатчилиги тажрибасида (рус, турк, инглиз ва бошқа) айнан болаларбон бундай изоҳли лугатлар тузиш анъанаси кўпдан бери мавжуд бўлса-да, мазкур лугат ўзбек тилидаги дастлабки иш” бўлиб, сўзлар изоҳида болаларга хос “...соглом тил туйуси, нозик сўз сезгиси, гўзал ва таъсири нутқ завкини уйготиш” максади килиб олинган. Унда сўзлар лугат тузни коидаларига амал қилинган ҳолда нафакат биринчи, балки кейинги сўзлар кетма-кетлигига кўра жойлаштирилган. Шунингдек, таркибида изоҳланётган сўз катнашган бирликлар (ибора, турғун биримлар) ҳам алоҳида изоҳланган. Масалан, лугатчанинг 144-саҳифасида: **Сұхбат**. Икки ёки ундан ортиқ киши ўртасидаги

сўзлашув. Маънодоши: **түринг**. Суҳбати кўп сермаъно, Юрии-туриши аъло. Олар фақат “беш” баҳо Китоб ўқиган бола (Пўлат Мўмин. Китоб ўқиган бола). Булоқнинг суви тиниқ, дононинг – суҳбати (Мақол).

**Суҳбат қилмоқ** (ёки қурмоқ). Бироздан кейин уч оға-ини ботирлар ўзаро суҳбат қила бошладилар (“Уч оға-ини ботирлар” эртаги). Бир неча киши бўлиб, гаплашиб ўтироқмоқ. Ўтиришиб уч ўтмоқ. Суҳбат қурдилар узоқ (Кудрат Ҳикмат. Уч ўртоқнинг совғаси).

Мисолдан кўринниб турибдики, лугат маколаси матни болаларга хос илмий-оммабоп матн бўлиб, унда сўз маъносини далиллаш учун ҳам болалар бадиий матнинг мурожаати килинганини кўришимиз мумкин.

Ёки кейинги мисолда:

Юлдуз туркумлари орасида “Бурж” деб аталувчи юлдуз туркумлари алоҳида ўрин тутади. “Бурж” сўзи юончада “зодиак” деб юритилади ва у “ҳайвонлар минтақаси” деган маънини англатади. Бурж юлдуз туркумлари 12 та туркумдан иборат. Улар араб ва ўзбек тилларида қўйидагича номланади: Ҳамал (Қўй), Савр (Сигир), Жавоз (Эгизак), Саратон (Қичқичбақа), Асаф (Арслон), Сунбула (Бошоқ), Мезон (Тарози), Акраб (Чаён), Кавс (Ёй), Жаоди (Тоғ эчкиси), Даив (Қовга), Ҳут (балық). Бўюлдуз туркумларининг ажойиб томони шундаки, Ер ўзининг Күёши атрофидағи бир ўшилик йўлида галма-гал ана шу 12 туркумдаги юлдузлар фонида ҳаракат қиласди. Ер уларнинг ҳар бирисида тахминан бирор ой юради.

(А.Бахромов “Танишинг, Ер сайёраси” билимдон энциклопедияси).

Агар матнни коммуникация воситаси, тил бирликларининг муайян максад асосида реаллашув мухити, мазмуни тафаккурга элтувчи мураккаб тузилма сифатида таҳлил килинса, болаларга хос матнларда муаллиф хоҳиши- ихтиёрига кўра көгезия (ички алоқалар тизими оркали) – номинатив-эстетик максаддинг болаларга хосланиши намоён бўлади.

Таъкидлаша жоизки, болалар учун асарлар яратилаётганда сўзловчи – матн – тингловчи (матн муаллифи – матн – рецепент) муносабатга киришади, натижада оғзаки ва ёзма матнларнинг

болаларга хослиги вужудга келади. Мавжуд халқ эртаклари, анъанавий топишмоқ, ривоят матнлари сўзловчи, муаллиф томонидан ўзгартирилиб, болалар дунёкараши ва идрокига мосланади, “фольклор намуналарини (эртак, масал, ривоят, латифа каби) болалар ёши, савиаси ва кизиқишига мослаштириб кайта ишлаш ёки табдил (интерпретация) килиш” жараёни кузатилади. “Ўзбек тилининг изохли лугати”да табдил сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “ўзгартириш, алмаштириш” маъноларини англатиши кўрсатилади. Матн тилшунослигига “лисоний табдил усул” ҳам мавжуд бўлиб, унда ҳам бу сўз «алмаштириш, ўзгартириш, ўрин алмаштириши» каби маъноларни ифодалаши таъкидланади. Бадиий асар тилининг ифодаси, бадиийлиги, ишонарлилиги, ёзувчининг муаллифлик маҳоратини ойдинлаштиришда ушбу таҳлил усулидан фойдаланилади. Матнда кўлланилган сўз ва ибораларни кайта тузуб кўриш, ўхшаши билан алмаштириш ва шу асосда баҳо бериш инобатга олинади.

**Хулоса.** Болалар учун ёзилган матнларда бола шахси устуворлиги сезилади, чунки тилшунос олим Ю.Н.Караулов айтганидек, болаларга хос бўлган матн ортида лисоний тизимларни эгаллаган муайян шахс –муаллиф туради.

Тил халқнинг автопортрети эканлигини таъкидлаган адаб Чингиз Айтматов айнан матнда миллат онги ва замон руҳи “яшашини” назарда тутган бўлса ажаб эмас. Зеро, инсоннинг ижтимоий оламда муайян ижтимоий фаол фуқаролик ўрнини белгиловчи она тилига муносабатини кўрсатувчи энг мухим лисоний бирлик – бу матнидр.

Матн, тор маънода, тилнинг барча сатҳларини уйғунлаштирган нутқий-сintактик бирлик бўлса, кенг маънода, сўзловчи ёки ёзувчи шахсининг лисоний салоҳиятини ўзида тўлиқ намоён этувчи ходиса хамдир.

Матн миллатнинг лисоний кўзгуси, лисоний дараҳтнинг меваси.

Ўзбек тилшунослигига матн тадқиқига багишланган илмий ишларда, муаллифнинг матн семантикасига сезилари таъсир кўрсатиши билан боғлик илгор фикрлар ёритилган бўлиб, улар психолингвистика ва прагмалингвистика йўналишидаги тадқиқотларнинг яратилишига замин ҳозирлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Давлатова Р.Х. Ўзбек тилининг дейткic бирликлари: филол.фан. д-ри (DSc) ... дис. автореф. – Тошкент, 2020. – Б.18.
2. Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагмалингвистик аспекти. – Тошкент.2018. – Б.121
3. Фролов А.К. Языковая специфика текстов художественной прозы для детей: автореф.дис. ...канд.филол. наук. – Тверь, 2003. – С.11.
4. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент : Фан, 2007. – Б.12.
5. D.M.Yuldasheva. Muallif nutqi agnonimlari(Siddiq Mo'min ijodida misolida). Educational Research in Universal Sciences ISSN: 2181-3515 volume 2 | special issue 8| 2023
6. Yuldasheva, D., & Abdug'aniyeva, D. . (2023). BOLALAR NUTQIDAGI LINGVISTIK XUSUSIYATLAR NAZARIYASI.

*Бюллетень педагогов нового Узбекистана, 1(4), 52–54. извлечено от <https://www.in-academy.uz/index.php/yopa/article/view/12199>*

7. Yuldasheva D.M. Pedagogical Features Of Mental Development Of Preschool Children. Solid State Teshnology. Volume: 63 Issue:6 Publication Year:2020. 14221-14225

8. Yuldasheva D.M.Anthropotentrism Approach To Children`S Speesh Study. Sestion 2: Linguistiss Theory,Applied Linguistiss. Sollestion Of Materials Of The International Online Sonferense. Www.Researsh-Support-Senter.Som 2020.92-95

9. Yuldasheva D.M. The Methods Of Speesh Development Of Preschool Shildren. Epra Internashinal Jurnal Of Multidissiplinaty Researsh(Ijmr). Impast Fastor: 7.6.11.November.